



No'kis q. A.Dosnazarov к. 62 уу, tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-95-20,
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@x tv.uz

«26 » Апрель 2021 ж.

03-03/01-2134 - санлы

Барлық қала ҳәм районлық
халық билимлендириү өлөми
баслықтарына сондай-ақ,
республикалық бойсыныңдағы
билимлендириү мәкемелери
директорларына

Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесинин 2021-жыл
21-апрельдеги “Жалар бәнтлигин тәмийинлеү ҳәм олардың бос ўакыттарын
мазмұнлы шөлкемлестириү бойынша ис-илажлары ҳаққында”ғы
01-08/10-04/185-санлы мәжилис баянламасын басшылыққа алғыуыңызды ҳәм
орынланыўын тәмийинлеүиңизди сорайман.

Министр орынбасары

Ш.Таджимуратов

Орынлаушы: Р.Танирбергенов
Тел: (61)222-24-29

ТАСДИҚЛАЙМАН

Коракалпогистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев

« 21 » апрель 2021 йил

01-08/10-04/185

21.04.2021

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi мажлисининг БАЁНИ

« ____ » апрель 2021 йил

Нукус шаҳри

Раислик қилувчи: К.Сариев

Коракалпогистон

Вазирлар Кенгашининг Раиси

Республикаси

Вазирлар Кенгashi

Раисининг

ўринбосарлари

вазирлик, идора ва ташкилотлар
раҳбарлари (рўйхат бўйича)

Иштирок этганлар:

КУН ТАРТИБИ:

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Сариев, Ерлекесов, С.Хожсаметов, Жуманов, Турдиеев, Байниязов, Реймов, Данияров, Атамуратов)

Маълумки, 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни кўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниб, бу борада давлат дастури қабул қилинди.

Жорий йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида соҳадаги муҳим вазифалар белгилаб олиниб, бир қатор ишлар амалга оширилди.


Республика бўйича 36,9 минг нафар ишсизлар “Ёшлар дафтари”га киритилган бўлса, шундан биринчи чоракда 24,6 минг ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 350 та қўшимча тўғараклар ташкил этилиб, 4,6 мингга яқин ёшлар жалб этилди.

Беш муҳим ташаббус доирасида 1018 та маданият, спорт инвентарлари ва компютерлар, 33,4 мингта бадиий китоб таълим муассасалари, кутубхона ва ўкув марказларига етказиб берилди.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш борасида ҳалигача кўплаб камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, мажлис қарор қиласи:



1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2021 йил 13 апрель куни ўтказилгаи видеоселектор йигилишининг 18-сон баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур баён қарори билан:

Ёшлар билан ишлашни лозим даражада ташкил этмагани учун Сурхондарё вилояти ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари (Бегимкулов), Фурқат тумани ҳокими (Солиев) ва Улугнор тумани ҳокими (Махсудов);

ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрмагани учун Шоғиркон ва Қамаши туманлари прокурорлари, Хива ва Чуст туманлари ички ишлар бўлимлари бошликлари;

ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-куватлашда сусткашликка йўл қўйгани учун Хўжайли ва Ангор туманлари солик идоралари раҳбарлари лавозимидан озод этилганлиги;

шунингдек, ёшлар билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйгани учун Фарғона давлат университети (Махсудов), Самарқанд давлат архитектура-курилиш институти (Ахмедов), Кўкон давлат педагогика институти (Отажонов) ректорлари ва Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали директори (Олимов) лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (Жолдасов) 2021 йил 2 чораги давомида “1+1” дастури асосида тадбиркор ва хунармандларга бириқтириш орқали 1123 нафар ёшлар қамраб олинишини таъминласин.

Мазкур топшириклар ижроси таъминланмаган ҳолатда масъуллар лавозимидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов, Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (Данияров), Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларга муносиб даромад олиши учун шароит яратиб беришга энг муҳим вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратсин.

5. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари томонидан хафтанинг ярми ёшлар масалаларига ажратилиши белгилансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Н.Ерлепесов, Молия вазирлиги (Содиков), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Алимов), Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (Данияров) бир ой муддатда ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-куватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича янги механизmlарни белгилangan тартибда жорий этсин. Бунда:

2021 йил 1 майдан бошлаб:

ёшларни ишга қабул қиласидиган корхона ва компанияларга ушбу ходимлар учун тўланган ижтимоий соликни қайташиб бериш;

“Ёшлар дафтари”га кирган 5 нафардан ортиқ ишсизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларга давлат мулки ижараси учун 50 фоизгача имтиёз бериш;

ходимлари сонининг камидаги 70 фоизи “Ёшлар дафтари”га кирган ёш тадбиркорларга давлат мулкини аукционсиз бериш ва улардан 5 йил давомида ижара ҳаки ундирамаслик;

ёшларга тадбиркорлик фаолиятига керакли асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 10 миллион сўмгача субсидиялар бериш;

2021 йил 1 июндан бошлаб:

“Ёшлар дафтари”га кирган талабалар ташкилотларда амалиёт ўтаганда, уларга 500 минг сўмгача субсидия ажратилишини таъминлаш;

биринчи марта ишга кирган касб-хунар марказлари битирувчиларини бойигача даромад солиғи тўлашдан озод этиш;

ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган ёшларга бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизигача қисмини қоплаб бериш назарда тутилсин.

7. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари беш кун муддатда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш режа-жадвалларини тасдиқлаб, янги ташаббусларни амалга оширасин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Жоллыбеков), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Шамуратов) Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан бирга 2021 йил 1 июнга қадар камидаги 1 та “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”ни ишга туширишга шахсан масъул этиб белгилансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Хожаметов, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (Нурымбетов) туманлар ҳокимлари билан биргаликда қишлоқдаги ёшларни уларга ажратилган ерларни ўзлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш ва ердан даромад олишга ўргатишни ҳокимлар, сектор ва кластер раҳбарлари “патронаж”га олишини таъминласин.

Бу соҳада ёшларнинг ердан даромадга киришгача бўлган даврида “устоз ва шогирд” тизими жорий қилиниб, фермер, кластер ҳамда сектор раҳбарлари томонидан ёшларга амалий ёрдам кўрсатилиши йўлга кўйилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Хожаметов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Алимов), Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (Нурымбетов) икки ҳафта муддатда субсидияга эҳтиёжи бор ёшларнинг “маҳаллабай” рўйхатини шакллантириб, “Ёшлар дафтари”га кирган ва дехқончилик қилаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар хариди учун 2 миллион сўмгача субсидия ажратилишини йўлга кўйисин.

11. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари, туман (шаҳар) молия бўлимлари бошликлари ёшлар билан “маҳаллабай” учрашиб, бюрократия ва коррупциясиз субсидия ажратишга шахсан жавобгар этиб белгилансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Н.Ерлепесов, Давлат солик бошқармаси (Бекчанов),

Молия вазирлиги (Содиков) 2021 йил 1 июнга қадар ёшлар тадбиркорлиги ва бандлиги масалалари бўйича ҳокимлар ва сектор раҳбарлари фаолиятини ҳар ойда таҳлил қилиб, яхши ишлаганлар ойлигига 50 фоизгача устама бериш тизимини йўлга кўйсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринbosари Н.Ерлепесов 10 кун муддатда Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари томонидан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида яратилаётган имтиёз ва қулайликлар ҳакида телевидениеда чиқиш қилиш орқали аҳолига, айниқса ёшларга тушунириб берилишини таъминласин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринbosари М.Жуманов, Молия вазирлиги (Содиков), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Алимов), Ҳалқ таълими вазирлиги (Реимов), Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Қанғлибеков), Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (Данияров) Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимларни билан биргаликда 2021 йилда таълим муассасалари битирувчиларини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича манзилли чоратадбирларни ишлаб чиқсин.

15. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўн кун муддатда “Баркамол авлод” марказларида замонавий тўгараклар очиш ва уларнинг ҳар бир мактабда тармоқ филиалларини ташкил этиш орқали қамровни камида 3-5 бараварга ошириш бўйича режа ишлаб чиқсин.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш орқали республика бўйича камида 35 минг нафар ёшлар қамраб олиниши таъминлансин.

“Баркамол авлод” болалар мактаблари ва унинг тармоқ филиаллари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур жиҳоз ва хом ашё етказиб бериш ҳамда зарур бўлган қўшимча штат бирликлари учун маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағ ажратиш таъминлансин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг маслаҳатчиси Р.Зарикеев, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Байниязов), Ҳалқ таълими вазирлиги (Реимов), Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Қанғлибеков), Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (Данияров) 2021 йилда ёшларнинг таълим муассасалари спорт заллари ва майдонларида тўгараклар ва мусобақаларга жалб қилинишини таъминласин. Бунда:

таълим муассасалари спорт заллари ва майдонларида дарсдан ташқари вактларда соат 18-00 дан 22-00 га кадар ёшлар шутгулланиши учун Туризм ва спорт вазирлиги томонидан малакали тренерлар жалб қилиниши;

спорт залларини доимий равишда фойдаланиш учун сакланишини таъминлаш мақсадида ҳар йили маҳаллий бюджетдан жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун маблағ ажратилиши белгилансин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринbosари М.Жуманов, Вазирлар Кенгаши Раисининг маслаҳатчиси

Р.Зарикеев, Ёшлар ишлари агентлиги Қоралпоғистон Республикаси бошқармаси (Данияров) Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлеклари билан биргалиқда бир ой муддатда маҳалла, туман, республика даражасида маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китобхонлик йўналишларида танлов ва мусобақалар ўтказиш режа-жадвалини тасдиқласин ҳамда уларни телевидение ва ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиб, ижросини ташкил қилсин.

18. Қоралпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Темирханов), Миллий гвардия Қоралпоғистон Республикаси бошқармаси (Юсупов), Ёшлар ишлари агентлиги Қоралпоғистон Республикаси бошқармаси (Данияров) Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргалиқда бир ой муддатда ёшлар билан боғлиқ ҳолат оғир бўлган битта туман (шаҳар) ва маҳаллани танлаб, у ерда уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича намунавий тажриба яратсин.

Бунда, ушбу маҳаллаларда ёшлар билан боғлиқ бирорта муаммо қолмаслигини таъминлаш чоралари кўрилсин.

19. Мазкур мажлис баёни ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринbosарлари зиммасига юклатилсин.

Баёнлаштирган

Б.Аймбетов